

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****489 Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишга хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисида**

Юқори технологияли тармоқларни жадал ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш, «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплексларини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида:

1. Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан «LG CNS Co., Ltd» (Корея Республикаси) компанияси ўртасида 2014 йил 17 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасида «Электрон ҳукумат» тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори учун ахборот тизимлари ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонасини ташкил этиш юзасидан ўзаро англашув тўғрисидаги Меморандум имзоланган;

масъулияти чекланган жамият шаклида барпо этилаётган қўшма корхонанинг устав жамғармасида ўзбекистонлик муассислар («UNICON. UZ» илмий-техникавий маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси ва «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг) улуши 49 фоизни, «LG CNS Co., Ltd» (Корея Республикаси) компаниясининг улуши эса 51 фоизни ташкил этади;

«LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонаси ўз фаолиятини 2014 йилнинг охиригача бошлайди ҳамда 2015 йил мобайнида Корея Республикасидан мутахассисларни ва мамлакатимизнинг етакчи дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларини жалб этган ҳолда 15 та лойиҳани амалга оширади;

таъсис ҳужжатларига кўра «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонаси Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қирқ қиз кўчаси, 10-уй манзилида жойлаштирилади.

2. Куйидагилар «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонаси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни, аппарат-дастурий комплексларни ўрнатиш ва татбиқ этишни, шунингдек «Электрон ҳукумат» тизими доирасида ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида лойиҳа ҳамда тех-

ник ҳужжатлар ишлаб чиқилишини таъминлаш бўйича тизимли интегратор фаолиятини амалга ошириш;

ҳалқаро стандартларга мос келадиган талабларга мувофиқ «Электрон ҳукумат» тизимига ва иқтисодиётнинг реал секторига ахборот тизимлари комплексларини ҳамда дастурий маҳсулотларни жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил қилиш;

ҳалқаро стандартларга мувофиқ ва «LG CNS Co., Ltd» компаниясининг тажрибаси асосида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни тизимли интеграциялаш соҳасида экспорт салоҳиятини кенгайтириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси икки ой муддатда ULG CNS Uzbekistan» қўшма корхонасининг устави ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек қўшма корхона 2 млн АҚШ доллари миқдорида устав капиталига эга бўлган ҳолда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ–2042-сонли қарорининг 4-бандида назарда тутилган бож ва солиқ имтиёзлари «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонаси учун 2022 йилнинг 1 январига қадар амал қилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонасига ишга жалб этилган хорижий жисмоний шахслар:

тузилган шартномалар доирасида, иш ҳақини хорижий валютада олиш ҳуқуқига эгадирлар;

улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятдан олинган даромадлар қисмида жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган солиқни тўлашдан озод қилинадилар.

6. Куйидаги ҳуқуқ берилсин:

«LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ–1989-сонли қарорини амалга ошириш доирасида «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплексларини жорий этишда тўғридан-тўғри шартномалар асосида қатнашиш;

иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ–2158-сонли қарори билан тасдиқлаган 2014-2015 йилларда реал иқтисодиёт тармоқларида ахборот-коммуникация тизимларини ҳамда дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича устувор лойиҳалар Рўйхатига киритилган лойиҳаларнинг ижрочиларига «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонаси билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш асосида, нарх-наволар бўйича таклифлар таққосланишини ҳисобга олиб, нархларнинг оширилишига йўл қўймаган ҳолда шартномалар тузиш.

7. Мазкур қарорнинг 6-бандида кўрсатиб ўтилган лойиҳаларни, шунингдек ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воситалари божхона тўловлари тўлашдан озод қилинсин (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно).

8. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонаси ушбу қарорнинг 6-бандида кўрсатилган лойиҳаларнинг қўшма корхона томонидан амалга оширилиши чоғида мамлакат дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчиларини тизимли асосда жалб этиб борсинлар, бунда 5 йил мобайнида дастурий маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражасини камида 60 фоизга етказсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонасининг буюртманомаларига биноан ушбу қарорни амалга ошириш доирасида жалб этилаётган хорижий мутахассисларга, шунингдек уларнинг оила аъзоларига консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмаган ҳолда кириш визаларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонасининг буюртманомаларига биноан ушбу қарорни амалга ошириш доирасида жалб этилаётган хорижий мутахассисларга, шунингдек уларнинг оила аъзоларига давлат божлари тўлашдан озод қилган ҳолда белгиланган тартибда кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек уларнинг яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «LG CNS Uzbekistan» қўшма корхонасининг буюртманомаларига биноан қўшма корхонани ташкил этишда ва унинг фаолиятида иштирок этувчи юқори малакали хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этишга белгиланган тартибда рухсатномалар беришни (узайтиришни), шунингдек хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига тасдиқнома беришни (узайтиришни) таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 19 сентябрь,
ПҚ-2237-сон